

Мукофот олиш қандай ҳам осон



14:07 / 03.05.2021 2985

Қуръони Каримни ўқиганимизда у хоҳ бир оят, хоҳ бир бет, хоҳ бир пора, хоҳ бутун Қуръонни ўқиб хатм қилиш бўлсин, фаришталар бизни беш ютуққа эришишимизни ҳисоблаб эшитишади. Қуръони Каримни ўқишимизнинг бешта самараси:

1. Қуръони Каримни тиловат қилиб савобга эришамиз. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу хақида: «Ким Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бунинг учун бир савоб бўлади. Ҳар бир савоб эса ўн баравари(га кўпайтирилади). «Алиф. Лаам. Мийм – бир ҳарф» демайман. Балки «Алиф» бир ҳарф, «Лаам» бир ҳарф, «Мийм» бир ҳарфдир», дедилар»

Имом Термизий ривоят қилган.

Агар биз Ўлж десак 30 та савобга эришган бўламиз. Қуръонни охиригача ўқиганимиздаги эришган савобимиз эса қанча бўлишини бир тасаввур қилинг-а. Қиёмат куни Аллоҳ таоло амалларимизни амал тарозисида тортганида, жаннатга кириш учун битта савобга эҳтиёжимиз бўлганида «Алиф, Лаам, Мийм» учун ўттизта савоб олибман, кошки Қуръонни охиригача ўқиганимда эди, кошки ҳар куни, ҳар қадамимда Қуръон ўқиганимда эди деб пушаймон бўлишимиз аниқ.

2. Қуръон орқали банда Аллоҳга муножот қилади, У билан мулоқот қилган бўлади. Қуръондан бошқа Аллоҳ билан мулоқот қиладиган тил йўқ. Мўмин Қуръон ўқиганида Аллоҳнинг каломини эшитади, Унинг сўзлари деб ўқийди ёки мен У Зот билан муножот қиляпман, У эшитяпди деб мулоқот қурган бўлади. Иккисида ҳам ажр-савоб қозонади.

3. Қуръон шифо манбаидир. Дунё шаҳватларини енгиш учун Қуръон ўқиш, Қуръон ила Аллоҳни эслаш керак. Қалбимизга шайтоннинг солган ва соладиган васвасаларидан қутулиш учун Қуръон ўқишимиз керак. Баданимиздаги хасталикларнинг тузалиб кетиши учун ва у хасталиклар бизни еб-битирмаслиги учун Қуръон ўқишимиз лозим.

4. Қуръони Карим илм манбаидир. Қуръон бизга илм беради. Биз араб тилини билмасак ҳам бизга Аллоҳни эслатади, жаннатни эслатади, жаҳаннамдан қутилишимиз кераклигини эслатади. Чунки тиловат асносида «Аллоҳ», «жаннат», «жаҳаннам» каби араб тилини билмайдиган мусулмон одам ҳам англаб етадиган сўзлар такрор-такрор учрайди.

5. Қуръон амал китобидир, бизга нималар қилишимиз кераклигини ўргатади. Бу юқоридаги тўртта ютуқларнинг бирикмасидир: савоб, Аллоҳ билан мулоқот, шифо топиш ва илм ўрганиш. Мўмин бу тўрт нарсани ўзида жамлаганидан кейин амал қилишни бошлайди. Шунда Қуръони Карим биз учун Аллоҳ нозил қилган «Раҳмат» китобига айланади.

Қуръон олийдир, олийлигининг чеки йўқдир, айниқса фаришталар гувоҳ бўладиган саҳар вақтида Қуръон ўқишнинг савоби буюқдир. Қуръон чиройли овозда, тажвид билан ва юқоридаги ютуқларни кўзлаб ўқилса жуда гўзал бўлади. Агар бу кечадан бошлаб саҳар вақтида Қуръон ўқишни бошласак, илк бошда мудроқ босиб қийналиб ўқишимиз мумкин, лекин бу иш икки ой давом этса, албатта юксак мақомларга эришамиз. Кунига бир оят, уч оят, ярим бет, кейин бир бет ўқиш билан бошласак, ойлари ўтиб бир пора, уч пора ва ундан ҳам кўп ўқийдиган юксак даражага етишамиз инша Аллоҳ.

